# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 30 сентябрь, № 206 (7708) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 22 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **261[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«**261[1]-модда. Давлат ўрмон хўжалиги органлари**

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларига ушбу Кодекс 77-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 78-моддасида, 79-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 80, 83-моддаларида, 84-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 90-моддасининг биринчи қисмида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг бош давлат инспекторлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларининг давлат инспекторлари – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – йигирма бараваригача миқдорда;

**(Давоми 2-бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАРИХИЙ НУТҚИ

## НАФАҚАТ ЮРТДОШЛАРИМИЗ, БАЛКИ ЖАҲОННИНГ ТАНИҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБЛАРИ, СИЁСАТЧИЛАР, МАШҲУР ОЛИМЛАР, ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ТУРИБДИ

### Акс садо



*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқини ўқиб, таҳлил этиш жараёнида унда кўтарилган ҳар бир масала ниҳоятда долзарб ва муҳимлигини чуқур англадим. Шу боис ҳам ушбу тарихий нутқда келтирилган муаммоларни, билдирилган таклифларни, илгари сурилган ғояларни алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш мақсадида жамоамизнинг профессор-ўқитувчилари билан фикрлашиб олдик.*



Самарқанд давлат университетида сўнгги йилларда дунёнинг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида хорижий университет ва институтларга ташрифлар, ўз навбатида, уларнинг СамДУга ташрифлари даражасида муносабатлар йўлга қўйилди. Европа ҳамда Америкадаги қадимий олий таълим даргоҳлари, Россия ва Хитой, Исроил, Ҳиндистон, Туркиядаги қардошлар билан боғланган дўстлик ришталари бугун ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади.

Биз хорижлик дўстларимиз билан нафақат илмий изланишлар, кадрлар тайёрлаш ёки биргаликдаги лойиҳалар доирасида, балки халқларимиз дўстлиги, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ҳам ҳамкорлик қиляпмиз. Уларга юртимиз ислоҳотлари мазмун-моҳияти ҳамда Янги Ўзбекистон концепцияси борасида тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб боряпмиз.

Ўзаро мулоқотлар давомида амин бўлдимки, хорижлик дўстларимиз Ўзбекистон давлати ҳамда халқимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар ва ислоҳотларга бефарқ эмас.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги тарихий нутқи юзасидан ҳам хорижлик ҳамкасбларимиз билан боғландик. Улар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Демак, Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг нутқи жаҳон бўйлаб кенг ўрганилмоқда, таҳлил этилмоқда, баҳс-мунозараларга мавзу бўлмоқда.

Америка, Германия, Россия, Туркия, Ҳиндистон, Исроил ва яна қатор мамлакатлар олимлари томонидан Президентимиз нутқига билдирилган илиқ муносабатларни ўқиб, бу эътироф ҳамда самимий фикрлардан юртдошларимизни ҳам баҳраманд этиш нияти туғилди. Қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтяпмиз.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**Самарқанд давлат университети ректори,**
**профессор.**

### Огоҳлик қўнғироғи бўлди

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш ташаббуси аслида дунё ҳамжамияти учун огоҳлик қўнғироғи бўлди.*



Биз ёшлар ҳақ-ҳуқуқлари масаласига шу кунгача етарли даражада эътибор қаратмадик. Оқибатда минтақа ва мамлакатлар учун характерли бўлган ёшлар муаммолари чегаралардан чиқиб, халқаро миқёсдаги глобал таҳдидга айланиб бормоқда.

Ёшлар ҳақ-ҳуқуқлари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар ҳамда мустақил экспертларнинг кузатишича, турли мамлакатларда яшашидан қатъи назар, навқирон авлоднинг интилишлари, изланишлари, қизиқишларида, орзу ва умидларида катта фарқ бўлмайди. Айниқса, глобаллашув жараёнида бу ҳолат кўзга яққолроқ ташланади.

Бугун Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилиши нутқда қайд этилди. Кўпчиликни қувонтирадиган ва ўрнак олишга ундайдиган бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу — ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун Ўзбекистон раҳбарияти томонидан алоҳида ғамхўрлик ҳамда эътибор кўрсатилаётганидир.

Нутқда ёшлар салоҳиятини намоён этиш ҳақида ҳам фикр юритилди. Бу жуда муҳим. Агар ёшлар фикрлашдан тўхтаса, бу ўша жамиятда инқироз бошланганини билдиради. Ёшлар фикрлаши, билим олиши, ўз дунёқарашини намоён қилиши учун майдон, минбар ажратилиши жуда зарур ва керак. Ҳар қандай мамлакатнинг келажагини билмоқчи бўлсангиз, ўша юрт ёшларининг қизиқиш ҳамда интилишларини ўрганинг, деб бежиз айтилмаган.

Ўзбекистонда бугун Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда. Жаҳоннинг жуда кўп давлат раҳбарлари учун ўрнак бўладиган бундай ислоҳотлар замирида мамлакатнинг эртанги куни учун қайғуриш, муносиб ворислар тайёрлаш мақсади мужассам.

Ўзбекистон раҳбарининг таклиф ва ғоялари аллақачон амалий ишлар, ҳаракатлар мисолида ҳаётга кўча бошлади. 2020 йил август ойида БМТ шафелигида ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Самарқанд халқаро форуми ўтказилди. Бу муҳим анжуман жаҳон ёшларининг ўзаро фикр алмашишига кенг имконият яратди.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоячиси, ёшларнинг чексиз ғамхўри, мухтасар айтганда, нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун дунёнинг келажагига бефарқ эмаслигини амалда кўрсатди.

**Ефим ПИВОВАР,**
**Россия давлат гуманитар университети президенти,**
**Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси.**

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## МАИШИЙ ВА ҚУРИЛИШ ЧИҚИНДИЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиёт соҳаларида ва аҳоли пунктларида ҳосил бўладиган маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, чиқиндиларни қайта ишлашда юқори технологиялар қўлланиладиган ишлаб чиқаришларни жорий этиш, шунингдек, қулай инвестиция муҳитини яратиш орқали ушбу соҳага тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси), Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда **давлат-хусусий шерикликнинг янги моделини** босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда, давлат шериги — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари билан хусусий шерик ўртасида тузиладиган давлат-хусусий **шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ**:

а) **давлат шериги томонидан**:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун тегишли **ҳудудлар** хусусий шерикка **бириктириб берилади**;

давлат корхоналари ҳисобидаги чиқинди полигонлари чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш бўйича технологияларни татбиқ этган ҳолда, қўшимча равишда капитал қўйилмалар ва инвестицияларни жалб қилиш шарти билан **хусусий шерикка узоқ муддатга фойдаланишга берилади**;

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат корхоналари ҳисобидаги махсус автотранспорт воситалари ва техникалари **хусусий шерикка етти йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган нархларда сотилади** ҳамда лойиҳа якуни бўйича тўловлар тўлиқ тўлаб бўлинганидан сўнг уларни тасарруф этиш ҳуқуқи хусусий шерикка ўтказилади;

б) **хусусий шерик томонидан қуйидаги мажбуриятлар олинади**:

ўзига бириктириб берилган ҳудудда яшовчи аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан **тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш**;

давлат-хусусий шериклик битимига мувофиқ **инвестициялар киритиш** ва санитария жиҳатидан тозалаш **инфратузилмасини ривожлантириш**;

махсус автотранспорт воситалари ва техникалари ҳаракати ҳамда чиқинди полигонларини **реал вақт режимида** давлат шериги томонидан **назорат қилиш имконини яратиш**;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний ва юридик шахслардан **тасдиқланган нархларда мажбурий тўловлар йиғилишини** ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича давлат шериги томонидан яратилган **ягона электрон тизимга уланилишини таъминлаш**;

**(Давоми 2, 3-бетларда).**

### 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



## ХАЛҚИМИЗ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ ИЛҒОР ВАКИЛЛАРИ СИФАТИДА ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

*Ҳар йили юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини сочадиган, ўз ўқувчиларига ҳаёт мактабини ўргатадиган мўътабар зот — ўқитувчи ҳамда мураббийларимиз касб байрами барчамиз учун бирдай ардоқли.*

Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ҳамда тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, мухтасар айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратаётган ўқитувчиларнинг олижаноб меҳнатига ҳар қанча таҳсин айтсак оз.

Мен ҳам шу соҳа вакили сифатида айтишим мумкинки, устозларга кўрсатилаётган эҳтиром ва эътибор улар ҳаётини яхши томонга ўзгартириб юборганидан яхшигина хабардорман. Ўқитувчилар орасида ҳалол меҳнати орқасидан орзу-ҳаваслари ушалаётгани, халқ орасида ҳурмат-иззатда юрганларининг санаб адоғига етмайсиз. Муҳими, бу касбнинг заҳматини шараф билиб, устозлар ортидан келаётган шогирдларнинг кўплигини айтмайсизми?!

Устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Инсон, аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан кўнглида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Халқимиз устозларни эъзозлаб: “Устознинг умри — мангу, чунки шогирдлар умри унга уланади”, дейди.

Ҳақ гап. Муаллим, устоз шундай мўътабар зотки, унинг номи ҳам, умри ҳам ҳамиша боқийдир. Биз ёшимиз, касбу коримиздан қатъи назар, бу сўзларни эшитганимизда кўнглимиздан фақат илиқ фикрлару ёрқин хотиралар ўтади. Қўлимизга қалам тутқазиб, илм оламига етаклаган биринчи устоз-муаллим, қийналиб турганимизда масаланинг тугунини ечишга ёрдам қилган, ана шундай савобли амаллари билан умр бўйи ёдимизда қолган меҳрибон инсон гавдаланади.

➡ 3

# ХОРАЗМ ЛАЗГИСИ — МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

***Ҳар бир миллатнинг қиёфаси, юзи унинг рақс санъатида ҳам яққол намоён бўлади. Ўзбек рақс санъати миллий жозиба, ор-номус, ҳаё, андиша, бетакрор нафосатга асосланади. Хусусан, Хоразм рақсларида кўҳна замин тарихи, халқимизнинг ўзига хос анъана ва урф-одатлари акс этади. Шунинг учун рақс — сўзсиз қўшиқ, деб эътироф этилган.***

***Айтиш жоиз, Хоразм рақсларини бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Айниқса, тарихий рақслар гуруҳига кирувчи “Лазги” ўзига хос ижро услуби ва бетакрорлиги, жозибаси билан нафақат Ўзбекистонда, балки чет давлатларда ҳам машҳурдир. ЮНЕСКО томонидан “Хоразм лазги рақси” инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилганлиги ҳам унинг дунё тан олган бетакрор санъат эканлигидан далолат беради.***

***Шу йилнинг 28 сентябрь куни Президентимиз “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Мазкур қарорнинг аҳамияти, унинг қадим санъатимиз ривожи ҳамда тарғиботида тутган ўрни хусусида санъат соҳаси вакилларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.***

### Муносабат

**Ғуломжон ЭШЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:**

— Рақс инсонга самимият ва яхшилик каби туйғуларни бахш этадиган ниҳоятда нозик санъат тури. Аслида, энг дилбар туйғулар билан чамбарчас боғлиқ рақсларда миллатнинг қадим ўтмиши ва бугуни ўз аксини топади. Бинобарин, рақсларимизда кўҳна замин тарихи, халқимизнинг ўзига хос анъаналари акс этади.

Шу боис қадим-қадимдан устозларимиз “Лазги” куйини чалиб, рақс тушиб, бутун халқимизни хурсанд қилиб келган. Буюк санъаткоримиз Комилжон Отаниёзов унга сўз боғлаб, “Хоразм лазги рақси” санъати ривожига катта ҳисса қўшди.

Президентимиз шу йил 28 сентябрь куни қабул қилган “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарори барча қатори биз, санъаткорларни ҳам беҳад мамнун қилди. Ушбу халқаро фестиваль нафақат миллий рақс санъатимизни ривожлантириш, балки ёш истеъдодларни кашф этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, миллий маданий меросимиз, миллий қадриятлар ва урф-одатларимиз, хусусан, рақс, ҳунармандчилик, тасвирий ҳамда амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошликнинг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш учун яна бир имконият бўлди.

Қарорга мувофиқ, 2022 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир маротаба 25 — 30 апрель кунлари Хива шаҳрида “Лазги” халқаро рақс фестивали ва унинг доирасида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиладиган бўлди. “Лазги” халқаро рақс фестивалининг ташкил этилиши “Хоразм лазги рақси” санъатининг асрий анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантириш, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда ижодий ҳамкорлик кўламини ва маданий алоқаларни янада кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

➡ 4



Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг давлат инспекторлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларининг, давлат ўрмон хўжаликларининг, давлат ўрмон-ов хўжаликларининг, ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжаликларининг, давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхоналарининг давлат инспекторлари ва миллий табиат боғларининг ходимлари – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга»;

2) **287-модда** қуйидаги мазмундаги **$5^1$-банд** билан тўлдирилсин:

«$5^1$) ушбу Кодекснинг 77-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 79-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 83, 84-моддаларида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 90-моддасининг биринчи қисмида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида) назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан»;

3) **289-модданинг учинчи қисми** «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **291-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **$в^1$-банд** билан тўлдирилсин:

«$в^1$) ушбу Кодекснинг 78-моддасида, 79-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 84-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 90-моддасининг биринчи қисмида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда – Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 82-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **24-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижарага берилган ер участкасини ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади, бундан ушбу Кодекснинг $24^2$-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

2) қуйидаги мазмундаги **$24^1$**, **$24^2$** ва **$24^3$-моддалар** билан тўлдирилсин:

### «$24^1$-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ва ўрмон фонди ерларини инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага бериш

Инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида қуйидагилар:

қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар ва лалми ерлар – Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига;

ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари – жисмоний ва юридик шахсларга;

яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар – Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган инвесторларга уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин.

### $24^2$-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни иккиламчи ижарага бериш

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга иккиламчи ижарага берилиши (уларни учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) мумкин.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага берилиши мумкин, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш шартномасининг муддати ушбу Кодекснинг $24^1$-моддасида назарда тутилган ҳолларда, тарафларнинг келишувига кўра белгиланади ва у қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ижарага бериш шартномаси муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Иккиламчи ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига кўра белгиланади ҳамда шартнома билан мустаҳкамланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни иккиламчи ижарага берганлик учун ҳақ ундириш тартиби ва миқдорлари қонун ҳужжатларига мувофиқ иккиламчи ижара шартномасида белгиланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш шартномаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Агар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ижарага бериш шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу шартномани муддатидан илгари бекор қилиш қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш шартномасининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш тарафларнинг келишувига кўра, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### $24^3$-модда. Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда ер участкасини вақтинча фойдаланишга бериш

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари эгалари ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкаларини ёки ушбу ер участкаларининг бир қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга бериши мумкин. Ер участкасидан вақтинча фойдаланиш тартиби тарафларнинг келишуви асосида белгиланади. Бунда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари эгаларининг ушбу ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади»;

3) **39-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **9-кичик банд** билан тўлдирилсин:

«9) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ёки унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иккиламчи ижарага бериш»;

4) **44-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун, шунингдек унумдор тупроқ талаб этилмайдиган илғор технологияларнинг (гидропоника ва бошқалар) янги усуллари қўлланиладиган иссиқхоналар қурилиши учун ажратишга йўл қўйилмайди, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ ерларни ажратиш ҳоллари мустасно»;

5) **45-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан берилади»;

6) **76-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ўрмон хўжалиги органлари ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерларини жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериши, шу жумладан кимошди савдолари ўтказиш орқали ижарага бериши мумкин. Ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари жисмоний ва юридик шахсларга инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги 602–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «ва иккиламчи ижарага берилиши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фермер хўжалигига берилган ер участкалари ушбу Қонун 16-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага берилиши (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) мумкин»;

**учинчи – ўнинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи – ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **16-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ер участкасини юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалик экинларини оралиқ экиш учун иккиламчи ижарага бериш (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз)»;

**учинчи – ўн еттинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи – ўн саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»**ги 604–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 88-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда) **9-моддаси** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Деҳқон хўжаликлари ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкаларини ёки ушбу ер участкаларининг бир қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга бериши мумкин. Ер участкасидан вақтинча фойдаланиш тартиби тарафларнинг келишуви асосида белгиланади. Бунда деҳқон хўжаликларининг ушбу ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Ўрмон тўғрисида»**ги 770–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–475-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 423-модда; 2019 йил, № 8, 470-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **13-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «шунингдек асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **25-модда**:

**учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади»;

**тўртинчи – саккизинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи – тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **31-модда** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари жисмоний ва юридик шахсларга инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин»;

4) **33-модда иккинчи қисмининг**:

**саккизинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **40-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ўрмон фонди участкалари юридик ва жисмоний шахсларга асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш учун давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан шартнома асосида берилади».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»**ги 710–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 14-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 1,1-модда) **38-моддасига** қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

**иккинчи қисм** «Рекреация зоналари» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат ўрмон фонди участкаларидаги рекреация зоналари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майда қабул қилинган **«Яйловлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–538-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 263-модда) **13-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

**биринчи қисмидаги** «ижарага» деган сўз «ижарага, шу жумладан иккиламчи ижарага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Фойдаланишдан чиқиб кетган яйловлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган инвесторларга инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мақсадида уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган юридик ва жисмоний шахслар фойдаланишга киритилган яйловларни иккиламчи ижарага бериши (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) мумкин».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**10-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 сентябрь
№ ЎРҚ—639

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# МАИШИЙ ВА ҚУРИЛИШ ЧИҚИНДИЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

давлат-хусусий шериклик битимида белгиланган муддатларда чиқиндиларни **саралаш (қайта ишлаш) технологияларини ўрнатиб, ишга тушириш**.

2. 2020-2021 йилларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш соҳасида амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат экология қўмитаси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

а) қуйидагиларга эришилишини таъминласин:

аҳолини маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олиш даражасини **жорий йил якунига** қадар **90** фоизга, **2021 йил якунига** қадар **100 фоизга** етказиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини **жорий йил якунига** қадар **21,8** фоизга, **2021 йил якунига** қадар **36,5** фоизга етказиш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини ташкил этиш соҳасида хусусий сектор улушини **2022 йил якунига** қадар **50** фоизга етказиш;

б) давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида махсус автотранспорт воситалари ва техникаларни сотишдан келиб тушадиган маблағларнинг махсус банк ҳисоб рақамида жамланишини таъминласин ҳамда уларни **махсус автотранспорт воситалари ва техникалар паркини янгилашга, шунингдек, халқаро молия институтларидан давлат кафиллиги остида олинадиган кредит маблағлари бўйича мажбуриятларни сўндиришга йўналтирсин**.

4. Белгилансинки **2021 йил 1 январдан** бошлаб:

**ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун мажбурий тўлов тарифлари** (хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан келишилган нархларда амалга ошириладиган алоҳида хизматлар учун тўловлар бундан мустасно) дастлаб нархларни (тарифларни) тартибга солиш органлари хулосалари олиниб, кейинчалик **тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари** қарорлари билан маъқулланганидан сўнг тасдиқланади;

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни **комплекс амалга ошириш кластерларига хизмат кўрсатиш учун белгиланган тартибда бириктириб берилган ҳудудларда иккиламчи хом ашёни** (металл парчалари ва чиқиндиларини сотиб олишдан ташқари) қабул қилиш шохобчалари орқали тайёрлаш (сотиб олиш, қабул қилиш) **мазкур кластерлар томонидан амалга оширилади** (мазкур ҳудудда қайта ишловчи ташкилотларнинг иккиламчи хом ашёни ўзларига тегишли шохобчалар орқали сотиб олиши ёки қабул қилиши бундан мустасно);

маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматини кўрсатиш жараёнида, шунингдек, маиший чиқиндиларни тўплаш шохобчалари ва саралаш пунктларидан маиший чиқиндилар таркибидаги **иккиламчи хом ашёни** маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотларнинг **розилигисиз ажратиб олиш ва ўзлаштириш тақиқланади**;

маиший чиқиндиларни ташиш, саралаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга кластерларнинг янгиланиб борувчи рўйхати, шунингдек, уларга хизмат кўрсатиш учун бириктириб берилган ҳудудлар тўғрисидаги маълумотлар Давлат экология қўмитаси томонидан шакллантирилади ҳамда унинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

5. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 январдан бошлаб**:

а) бинолар ва иншоотлар, шу жумладан, йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ёки бузиш ишларида (кейинги ўринларда — қурилиш ишлари) ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари **биринчи навбатда такрорий фойдаланиш, қайта ишлашга ёки утилизация қилишга** йўналтирилади;

б) қурилиш ишлари амалга оширилаётган объект жойлашган ҳудудда (туман ёки шаҳар) қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга корхоналар мавжуд бўлмаган тақдирдагина уларни белгиланган тартибда чиқинди **полигонларига жойлаштиришга йўл қўйилади**;

в) қурилиш ишлари бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда қурилиш жараёнида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари ҳажмларини ва уларни тўплаш жойларини белгилаш, шунингдек, улар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича **лойиҳавий ечимлар назарда тутилади**;

г) **янги қуриладиган** кўп хонадонли уйлар **жойлашиши режалаштирилган тураржой зоналарида**:

маиший чиқиндиларни тўплаш шохобчаларини ташкил этишга бўлган талаб маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида мазкур ҳудудга хизмат кўрсатувчи ихтисослашган ташкилот билан биргаликда ўрганилади ва қурилиш учун ер участкаларини ажратиш (танлаш) материаллари, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш материалларида назарда тутилади;

хонадонлар сони 300 тадан ортиқ бўлган кўп қаватли уй-жойлар маиший чиқиндиларни тўплаш шохобчалари билан таъминланмаган бўлса, фойдаланишга қабул қилишга рухсат берилмайди;

д) қурилиш ишларини амалга ошириш натижасида ҳосил бўлган қурилиш чиқиндиларининг мулкдори бўлган юридик ва жисмоний шахсларга **қуйидаги мажбуриятлар юкланади**:

қурилиш ишлари олиб борилаётган объектларда ҳосил бўладиган чиқиндиларни **сараланган ҳолда тўплаш ва вақтинча сақлаш**;

қурилиш чиқиндиларини уларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи **юридик шахсларга топшириш, реализация қилиш ёхуд бу ишларни ўз кучи билан амалга ошириш**;

қурилиш чиқиндилари полигонларга жойлаштириладиган тақдирда чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар ёки чиқинди полигонига эга бўлган ташкилотлар билан **тегишли шартнома тузиш**;

е) қурилиш чиқиндиларини ташиш билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахслар мазкур хизматларни кўрсатишда уларнинг қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга топшириш (реализация қилиш) ёхуд чиқинди полигонига жойлаштиришни назарда тутувчи ҳужжатларга эга бўлиши лозим.

6. Қуйидагилар:

**2020-2021 йилларда** маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан **қурилиш ва маиший чиқинди полигонларини қуриш ҳамда жиҳозлаш бўйича манзилли дастурлар** 2 ва 3-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан 2020-2021 йилларда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида **эришилиши таъминланадиган мақсадли индикаторлар** 4.1-4.13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сон қарори билан ташкил қилинган Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича Республика комиссиясига (Раматов) мазкур бандда назарда тутилган **манзилли дастурларга** ва **мақсадли индикаторларга** ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

аҳоли томонидан Давлат экология қўмитасининг Интернет тармоғидаги махсус ахборот тизимига юборилган экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда кўриб чиқилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахслар ҳуқуқбузардан ундирилган жарима **миқдорининг ўн беш фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади**;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида юборилган фотосуратлар ва видеоёзувлардаги ҳуқуқбузарларнинг шахсини аниқлаш Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари сўровига асосан **ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади**;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосуратлар, видеоёзувлар ва хабарларни тақдим этган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг **ошкор этилишига йўл қўйилмайди**.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# МАИШИЙ ВА ҚУРИЛИШ ЧИҚИНДИЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

8. Давлат экология қўмитаси:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар барча ҳудудлардаги аҳолига атроф-муҳит, шу жумладан, маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишлар ҳолати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини берувчи, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фото ва видео материалларни жойлаштириш имкониятига эга бўлган **Интернетдаги махсус ахборот тизимини яратиш ҳамда ҳар бир хабар берилган ҳолат бўйича тезкор чоралар кўриш тизимининг** жорий қилинишини таъминласин;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда экологик тарбия ва тарғиботни самарали ташкил этиш ҳамда жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилсин;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳолати ҳақида жамоатчилик хабардорлигини оширишга қаратилган ахборот-таҳлил ва медиа материалларини тайёрлаш, экологик маданиятни ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш чораларини кучайтирсин;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантириш ишларини мувофиқлаштирсин.

9. Давлат экология қўмитаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

"Ишга марҳамат" мономарказлари ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги касб-ҳунарга ўқитиш марказларида замонавий кўникмалар асосида чиқиндиларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи ходимларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва малакасини оширишни ҳамда бу борада ишсиз фуқароларнинг бандлигини;

чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнига чет элдан янги технологиялар жалб этилган тақдирда, улардан фойдаланишга ўргатиш бўйича "Ишга марҳамат" мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларидаги таълим жараёнларига мазкур технологияларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар вакиллари ёки улардан фойдаланиш кўникмалари мавжуд бўлган етук хорижий мутахассислар, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситалари орқали жалб этилишини таъминлаб борсин.

10. Давлат экология қўмитаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида (кейинги ўринларда – Марказ) маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш **бўйича ўқув курсларини йўлга қўйсин**.

Белгилансинки, 2022 йил 1 январга қадар маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган хусусий ташкилотлар мутахассисларини Марказда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш харажатларининг **50 фоизи** Давлат экология қўмитасининг Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги "Ўзавтосаноат" АК билан биргаликда уч ой муддатда республикада ишлаб чиқарилаётган маиший чиқиндиларни ташишга мўлжалланган **махсус техникалар таннархларини қайта кўриб чиқиб, уларни пасайтириш чораларини кўрсин**.

12. Давлат экология қўмитаси Вазирлар Маҳкамасига 2021 йил 1 январга қадар:

маиший ва қурилиш чиқиндиларини белгиланмаган жойларга ташлаганлик учун **жарима санкцияларини миқдорини ошириш**, маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг **жавобгарлигини кучайтириш**ни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тўғрисида**ги низом лойиҳасини;

янги таҳрирдаги "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини киритсин.

13. Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бир ой муддатда чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўз тизимидаги ташкилотлар ўртасидаги дебитор ва кредитор қарздорлик ҳолатини таҳлил қилсин ҳамда уларни камайтириш юзасидан зарур чораларни амалга оширсин;

2021 йилдан бошлаб бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларини молия органлари рўйхатдан ўтказишда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва чиқинди контейнерларини харид қилиш бўйича харажатлар етарли **бюджет маблағлари назарда тутилишини назорат қилсин**.

14. Ички ишлар вазирлиги Давлат экология қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

ушбу қарор ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан назорат ва тарғибот ишларини кучайтирсин;

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларига бириктирилган ҳудудларда чиқиндиларни тайёрлаш (сотиб олиш, қабул қилиш), ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолиятга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

15. Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада **такомиллаштириш мақсадида мазкур қарор қуйидаги тартибда ижро этилсин**:

а) **Бош вазирнинг биринчи ўринбосари** — Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича **республика комиссияси раиси А.Раматов**:

мазкур қарор ижросининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин, ҳудудларга чиққан ҳолда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини ўргансин, масъул вазирлик ва идораларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин ҳамда **мувофиқлаштирсин**, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб борсин;

мазкур қарорнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ **чиқиндиларни утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш бўйича замонавий чиқинди полигонлари ташкил этилишини**, шунингдек, кейинчалик белгиланган тартибда ўзгаларга бериш шарти билан полигонларни қуриш ишларига хусусий шерикларни жалб қилинишини таъминласин;

**2021 йил 1 июнга қадар** қуйидагиларни ўз ичига олган қурилиш чиқиндилари полигонларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қуриш ва жиҳозлаш бўйича **2022-2023 йилларга мўлжалланган манзилли дастурни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори қабул қилинишини таъминласин**:

Тошкент шаҳрида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндиларини жойлаштириш учун Тошкент вилоятининг камида учта ҳудудидан қурилиш чиқинди полигонларини қуришга ҳар бири 5 гектардан кам бўлмаган ер майдонини белгиланган тартибда ажратиш, қуриш ва жиҳозлаш;

вилоятлар марказлари, йирик шаҳарлар ва Нукус шаҳри учун қурилиш чиқинди полигонларини қуришга 5 гектардан кам бўлмаган ер майдонларини белгиланган тартибда ажратиш, қуриш ва жиҳозлаш;

б) **Давлат экология қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Н.Обломуродов**:

мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш ва қайта ишлаш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилишини таъминласин;

маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминласин ҳамда бу соҳада давлат экологик назоратини кучайтирсин;

в) **Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директори Ғ.Холжигитов**:

лойиҳа ташаббускорларига давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда, шу жумладан, аниқ лойиҳаларнинг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқишда кўмаклашсин;

мазкур соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бажарилишининг бориши юзасидан мониторингни амалга оширсин;

г) **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари**:

тегишли ҳудудларда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилишида тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмаклашсин;

мазкур қарорнинг 2 ва 3-иловаларидаги манзилли дастурларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетдан талаб этиладиган зарур маблағларни ўз вақтида аниқласин ва ажратсин;

мазкур қарорнинг 4.1-4.13-иловаларига мувофиқ 2020-2021 йилларда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги мақсадли индикаторларга сўзсиз эришилишини таъминласин;

2021 йилда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қурилган ва хусусий шериклар жалб этилмаган полигонларни бошқаришни Давлат экология қўмитасининг "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхоналарига топширишни таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

17. Давлат экология қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 сентябрь

## Таклиф

*Мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш борасида муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу, ижобий ҳолат, албатта. Бироқ тизимда ижобий ишлар билан бирга, депутатларнинг халқ билан мулоқотлари вақтида айрим ечимини кутаётган муаммолар ҳам юзага чиқаётир. Ушбу масалалар партиямиз фракциясининг кенгайтирилган йиғилишларида Ўзбекистон Ногиронлар, Кўзи ожизлар, Карлар жамиятлари ва Ногиронлар ассоциацияси вакиллари билан кенг муҳокама қилиниб, ечимлари бўйича асосланган таклиф ҳамда тавсиялар тайёрланмоқда.*

# НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛАЁТГАНЛАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАНГАНМИ?

Депутатлар ўрганган маълумотлар таҳлили мамлакатимизда ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда айрим тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 9 миллион 800 мингдан зиёд 16 ёшгача болалар бўлиб, уларнинг 100 минг 110 нафарида ногиронлик бор. Уларнинг 51 минг 56 нафарида туғма ногиронлик, 49 минг 54 нафарида орттирилган ногиронлик мавжуд.

Бугунги кунда Ўзбекистон бўйича 6 та болалар Мурувват уйи фаолият юритаётган бўлиб, уларда 1 минг 908 нафар ногиронлиги бор болалар (жами ногиронлиги бор болаларнинг 1,9 фоизи) парваришланмоқда. Ушбу муассасаларда таъминот (озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқалар) тўлиқ Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилмоқда. Мурувват уйларида ҳар икки нафар ногиронлиги бор болага ўртача бир нафар тарбиячи (энага) тўғри келяпти, улар Давлат бюджети ҳисобидан ойлик маош олиб, ишлаб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ногиронлиги бўлган болаларнинг аксарият қисми, яъни 98 минг 202 нафари (98,1 фоиз) ўз оиласида ота ва оналар қарамоғида парваришланмоқда. Ушбу ногиронлиги бўлган болаларнинг кўпчилиги таянч-ҳаракат тизими, асаб ҳамда руҳий касалликларга чалинган бўлиб, доимий қаровга муҳтож. Бундай парваришни амалга ошириш катта саъй-ҳаракат, ирода ва вақтни талаб этиб, айниқса, қишлоқ жойларда буни хўжалик фаолияти билан биргаликда амалга ошириш жуда мушкул ҳисобланади. Қайд этиш жоиз, ўз оиласи қаровида бўлган ногиронлиги бор болалар эҳтиёжи (озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва уларни парваришлаш) учун Давлат бюджетидан ҳеч қандай харажатлар амалга оширилмайди.

Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлганлар ҳамда уларнинг оила аъзолари ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми "д" бандида I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болага, шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож 80 ёшга тўлган шахсларга қараб турилган вақт ёшга доир пенсия тайинланаётганида иш стажига қўшиб ҳисобланиши назарда тутилган.

Бироқ ушбу Қонуннинг 37-моддаси 2-қисмида чекловлар ўрнатилган бўлиб, мазкур модданинг "д" ва бошқа бандларида назарда тутилган даврлар умумий иш стажи камида 7 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланиши белгиланган.

Қонундаги ушбу чеклов ногиронлиги бор болаларнинг парвариши билан банд бўлган ота ва оналарга пенсия таянч миқдорини олиш учун зарур иш стажини тўплаш имконини бермайди. Оқибатда шундай ота-оналарга ёшга доир пенсия тайинланаётганда қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Халқаро амалиётда ногиронлиги бўлган шахсларнинг парвариши билан банд бўлган фуқароларга пенсия таянч миқдорини белгилашда ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Аксинча, пенсияга чиқишда бундай фуқаролар учун қўшимча имтиёз ва компенсация тўловлари берилади. Мисол учун, Австралия, Дания, Норвегия, Шимолий Ирландия, Франция, Япония давлатларида ногиронларнинг парвариши билан банд бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатланган.

Юқоридагилардан келиб чиқилса, ногиронлиги бор шахсларни парваришлаб, фидойилик, маънавий жасорат кўрсатаётган фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш зарурати пишиб етилган. Фуқаролар ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати билан боғлиқ бу масала Халқ демократик партияси учун принципиал аҳамиятга эга.

Шунинг учун партия фракцияси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"-ги Қонуннинг 37-моддаси иккинчи қисмидаги "д" бандини билан боғлиқ бўлган чекловларни истисно этадиган ўзгартиш киритиш, яъни ногиронлиги бўлган кишиларга қараган инсонларга пенсия тайинлашга салбий таъсир кўрсатиб келаётган меъёрни бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш таклифини илгари сурмоқда.

Бу таклифнинг амалга оширилиши ногиронлиги бўлган шахслар, уларга қаровчилар манфаатлари ҳимоясига хизмат қилиб, маънавий-руҳий мадад ҳам бўларди, деб ҳисоблаймиз.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

# БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАР ВА КОРРУПЦИОГЕН ОМИЛЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

*Куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан "Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун имзоланди.*

## Янги Қонун

Хўш, ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нимада ҳамда мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни қандай бўлади?

Айтиш жоизки, Қонун билан 1993 йил 6 майдаги "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг 42, 98 ҳамда 103-моддаларидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан технологик, ўрмон-мелиорация, агротехник, гидротехник, санитария-техник тадбирларни келишишни назарда тутувчи функция ва ваколатлари чиқариб ташланяпти. Яъни сув ҳамда сув объектларидан фойдаланиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эркин олиб бориш учун ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилади. Бу жуда муҳим, чунки ерга ишлов бериш ва мўл ҳосил олишда айнан обиҳаёт ресурслари ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 6 ҳамда 291-моддаларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, унинг 6-моддасидаги маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари чиқарилди. Яъни жамоат тартибини сақлаш масалалари, агар улар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек, табиий офат ҳамда эпидемиялар билан курашиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилишни назарда тутувчи функция ва ваколатлари бекор қилинаётир. Бу маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида коррупциявий ҳолатни келтириб чиқарувчи омилларга чек қўяди. Оддий қилиб айтганда, эндиликда жойлардаги ҳокимлар ўз ихтиёрига кўра бирор-бир жисмоний ёки юридик шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида қарорлар қабул қила олмайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига, яъни транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш асослари ҳамда тартибига кўпчилик автоуловлар эгалари учун муҳим бўлган ўзгартириш киритилди. Амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ, ҳар бир ҳайдовчи ёнида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини олиб юриши шарт эди. Агар бундай ҳужжат айрим сабабларга кўра бўлмаса, у тегишли жаримага тортилар ва камига автоулови жарима майдончасига қўйиларди. Эндиликда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда автотранспорт воситаларини ушлаб туриш тартиби бекор қилинди. Бу билан фуқаролар мулк ҳуқуқларининг кафолатлари кучайтирилди.

Қонун билан киритилган яна бир ўзгартиш — "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунга тааллуқли. Унинг 13-моддасига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг турғун манбалари томонидан атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш бўйича давлат экологик экспертизаси хулосасида назарда тутилган шартлар ва талаблар бузилиши билан боғлиқ фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ҳамда тугатиш масаласида қарор қабул қилишни назарда тутувчи функция ва ваколатлар чиқариб ташланди.

"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг 34 ҳамда 45-моддаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни чорвачилик эҳтиёжлари бўйича тайёрлаш учун рухсатнома бериш юзасидан функция ва вазифалари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларига ўтказиляпти. Натижада ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни чорвачилик эҳтиёжи учун тайёрлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлар фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аралашуви қисқартирилади.

Янги қонун билан тартибга солинаётган муносабатлар Уй-жой кодексининг 111-моддасига ҳам тегишли. Маълумки, тураржойларни алмаштириш тўғрисида ариза берганда мулкдор, ижарага олувчи, уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзосининг аризасига илова қилиши лозим бўлган ҳужжатлар таснифидан тураржойда яшаётган шахслар кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома талаб қилинар эди. Эндиликда бу маълумотнома керак бўлмайди.

Шунингдек, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги ҳамда "Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги қонунларга ҳам муайян ўзгартишлар киритилди.

Жумладан, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасида дастлабки тарзда васий ёки ҳомий тайинлаш васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахс томонидан аризасига илова қилинадиган ҳужжатлардан яшаш жойидаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органидан олинадиган маълумотнома чиқариб ташланмоқда.

"Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисмидан назорат остидаги шахснинг қаердалиги аниқланмаган тақдирда ички ишлар органи назорат остидаги шахснинг тураржойи ва етиб келмаслик сабабларини аниқлаш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги ҳужжатлардан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи томонидан бериладиган маълумотнома бекор қилиняпти.

Умуман, Қонуннинг қабул қилиниши билан бюрократик тўсиқ ва коррупциоген ҳолатларнинг олдини олиш сари яна бир қадам қўйилди. Бу ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида айни муддаодир.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

# ХАЛҚИМИЗ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ ИЛҒОР ВАКИЛЛАРИ СИФАТИДА ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

1

Устознинг бахти эса шогирдлар камоли билан ўлчанади. Биргина мактабимиз мисолида айтадиган бўлсам, вилоятнинг чекка ҳудудидаги таълим муассасамиздан бугунги кунга қадар юзлаб йигит-қизлар юртимизнинг нуфузли олий таълим муассасаларига учирма бўлди. Улар орасида айнан ўз устозларига ҳавас қилиб, шу касбнинг этагидан тутганлар, университетни тамомлаб, албатта, қишлоғимга қайтиб келаман, мактабда дарс бераман, деган ҳавасмандлари ҳам кам эмас. Бу ҳам биз, устозлар учун фахрли.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Айни вақтда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, муаллимлар, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, хориждаги етакчи таълим марказлари билан илмий-педагогик ҳамкорликни кучайтириш, ўқув-тарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларини, янги ўқув методикаларини жорий этиш бўйича изчил иш олиб бориляпти. Бу эътибордан бизнинг чекка таълим даргоҳимиз ҳам четда қолмаган.

Президентимиз халқимиз зиёлиларининг илғор вакиллари сифатида ҳурматли устоз ва мураббийларга ишонч билдириб, юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятимизда тинчлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш масъулиятини юкламоқда.

Ишонч билан айта оламанки, биз, ўқитувчилар буни, албатта, оқлаймиз. Фарзандларимизни ҳақиқий ватанпарварлар сифатида тарбиялаш, ўз соҳасининг профессионаллари бўлиши, ҳаёт ва Ватан қадрини биладиган комил инсонлар бўлиб етиши учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

**Бахтигул БЎТАЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**Қизириқ туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактаби директори.**

# КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИГА ЭҲТИРОМ

*Жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар, аввало, таълим тизимидан бошланганини ривожланган давлатлар тарихидан билиш унчалик қийин эмас. Чунки ушбу соҳани ўзгартирмасдан туриб, инсонни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.*

## Депутат фикри

Қайд этиш керак, таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори, бу мактаб саналади. Уни ҳақиқий маънода билим даргоҳи, иқтидорли ёшлар масканига айлантира оладиган инсонлар эса, шубҳасиз, меҳридарё устозлар, фидойи ўқитувчилардир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўқитувчиларнинг мавқеини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқитувчининг шарафли ҳамда машаққатли меҳнати юқори даражада моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Бу эътибор тизимда сифатли таълим бериш самарадорлигини сезиларли даражада оширади, албатта. Тўғри, бир вақтлар ўқитувчи жамиятда ўз иши қолиб, бошқа юмушлар билан шуғулланди, керак бўлса мажбурланди. Охир-оқибат таълим-тарбия, ёшларнинг билим даражаси кўрсаткичи сустлашди. Аммо бугун кўрилаётган тезкор чора-тадбирлар устоз ва мураббийларнинг жамиятдаги нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз томонидан яқинда имзоланган "Таълим тўғрисида"ги Қонун соҳа фидойилари учун муносиб меҳнат шароитини яратиш йўлидаги эзгу ишларни янги босқичга кўтарадиган муҳим ҳужжат бўлди, десак асло янглишмаймиз. Айниқса, унда педагог ходимларнинг мақоми ва улар фаолиятининг кафолатлари аниқ белгиланганлиги эътиборга молик.

Бинобарин, ушбу Қонунга мувофиқ, эндиликда педагог ходимларнинг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимоясида бўлади. Уларнинг касбий фаолиятига аралашишга, таълим олувчиларнинг билимларини тўғри ҳамда холис баҳолашга таъсир кўрсатишга, шунингдек, педагог ходимларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

Қонунда ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари ҳам алоҳида белгилаб қўйилди. Унга кўра, педагог ходимлар касбий фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларини талаб қилиши мумкин. Шунингдек, улар давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтиш ҳуқуқига эга бўлди. Қолаверса, давлат таълим стандартлари ва талабларини, малака талабларини, ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқишда ҳеч қандай монеликсиз иштирок этадилар. Умуман олганда, чуқур таҳлил ва кенг муҳокамалар асосида қабул қилинган Қонунда белгиланган нормалар ўқитувчиларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини оширишга, мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Энг асосийси, мазкур ҳужжат жамиятимизда ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини юксалтиришга, уларга том маънода, келажак бунёдкорлари сифатида эҳтиром кўрсатишга хизмат қилади. Қонуннинг ижросини таъминлаш эса нафақат депутатлар ёки ижро органларининг, балки барчамизнинг вазифамиздир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, мактаб бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ҳамда ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак.

Хулоса ўрнида айтганда, янгиланаётган Ўзбекистоннинг эртанги тақдири, барча соҳада белгиланган улкан вазифаларнинг рўёбга чиқиши, юртимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи янада ортиши таълим соҳасида амалга оширилаётган амалий ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, бу йўлдаги барча саъй-ҳаракатни тизим равнақига йўналтириш мақсадга мувофиқ.

**Шаҳноза ХОЛМАХАМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони жамоаси девон масъул ходими Э. Эшабаевга отаси

**ХОЛБОЙ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти ижодий жамоаси таҳририят собиқ ходими

**Ботир ҲАМДАМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАРИХИЙ НУТҚИ

## НАФАҚАТ ЮРТДОШЛАРИМИЗ, БАЛКИ ЖАҲОННИНГ ТАНИҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБЛАРИ, СИЁСАТЧИЛАР, МАШҲУР ОЛИМЛАР, ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ТУРИБДИ

◄1

## Марказий Осиё қардошлик, дўстлик ва ҳамкорлик минтақасига айланади

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёнинг бугуни ҳамда келажаги, уни қардошлик, дўстлик ва ҳамкорлик минтақасига айлантириш ғояси билан чамбарчас боғлиқ эканига урғу берди.*



Ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиё ажралмас, ажратиб бўлмас минтақа эканлигини тарих ҳамда бугун бизга янада аниқроқ, яққолроқ, ойдинроқ кўрсатди, англатди. Собиқ тузум парчаланиши оқибатида баъзи бир муаммолар, хатолар юзага қалқиб чиқди. Муносабатларга дарз кетиб, оға-инилик, қон-қардошлик масалалари ҳам четга суриб қўйилган вақтлар бўлди. Зиддиятлар неча ўн йиллар давом этди. Бу ҳолат фақат йўқотишга, мусибатга, ёвлашишга олиб келди. Қадриятлар, ўзаро борди-келдилар унутилди. Балки ўша даврга ҳам бир кун келиб баҳо берилар, муҳими бу эмас. Асосийси, бундай машаққатли кунлар ортда қолди.

Бу ўринда Марказий Осиё давлатларининг бошқа лидерларини камситмаган ҳолда, Ўзбекистон Президентининг тарихий хизматларини алоҳида эътироф этишни истайман. Бугун Марказий Осиё давлатлари бир кучга, бир иттифоққа айланишида айнан Шавкат Мирзиёев муҳим ўрин тутганлигини ҳеч ким инкор қилмаса керак. Ўз қарашларига содиқ қолган ҳолда, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ҳам Марказий Осиё бўйича муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Шавкат Мирзиёев мамлакат бошқарувига келгач, дастлаб ўзининг давлат ташрифини Марказий Осиё, хусусан, Туркманистондан бошлаган эди. Унинг ташаббуси билан Марказий Осиё бирдамлиги йўлидаги барча сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Йигирма беш йил давомида бир-биридан ажратилган қон-қардошлар дийдор кўришди. Чегаралар очилиб, борди-келдилар тикланди. Бу жасоратли қадамни бутун дунё олқишлади. Ибрат ва намуна сифатида таъкидлашди. Мирзиёевнинг бу хизматлари, аввало, унинг ўзига халқаро ҳамжамият олдида жуда катта шон-шуҳрат келтирди. Ўзбекистон ҳамда унинг раҳбарининг номи расмий доираларда ҳам эътироф этилди.

2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида "Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" мавзуида халқаро форум ўтказиш ғояси барчамизни қувонтирди. Қалбимизда ифтихор туйғусини пайдо қилди. Президент Мирзиёевга миннатдорлик ва ташаккурларим бўлсин...

Бош Ассамблея йиғилишидаги нутқида Президент Мирзиёев Марказий Осиё келажаги ҳамда бугуни учун ўта муҳим бўлган ташаббусни илгари сурганига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди. Бу Ўзбекистон раҳбарига бўлган ҳурмат ва эҳтиромим янада ошишига сабаб бўлди. Ислоҳотчи ҳамда ташаббускор Мирзиёев нафақат Марказий Осиё бирдамлиги йўлида, балки бутун Турк дунёсининг бирлашиши орзусида яшашига ишонаман. Қардошлик туйғуси ила Мирзиёевнинг ташаббус ва таклифларидан фахрланаман.

**Салих ЙИЛМАЗ,**
**Туркия, Россия ва Марказий Осиё тадқиқотлари институти директори,**
**Йилдирим Боязид университети профессори.**



## Бугун барқарор тараққиёт ҳар доимгидан-да зарур

*БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси, кўтарилган масалаларнинг долзарблиги, жаҳоннинг қудратли давлатлари раҳбарлари нутқ сўзлагани билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқини диққат билан эшитдим.*



Нутқда, асосан, бугун жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган муаммолар ҳамда уларнинг ечими юзасидан фикр юритилди. Ўзбекистон раҳбари томонидан **Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисида** БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш таклиф этилиши менда ижобий таассурот қолдирди.

Бугун инсониятга барқарор тараққиёт ҳар доимгидан-да зарур. Бу мақсад йўлида барча имконият ишга солиниши кераклигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда. БМТ мазкур жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки иштирокчиси, рағбатлантирувчиси бўлиши лозим, деб ҳисоблайман.

Президент Мирзиёев БМТнинг таъсир доираси ижобий маънода янада кенгайишини истайди. Аслида бутун дунёни тартибга солиб турувчи, давлатларнинг бир-бири олдидаги масъулиятини мунтазам англатувчи ягона халқаро ташкилот, бу — Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир.

Инсон ҳуқуқларини янада самарали таъминлашда, парламентлар ролини ошириш масаласи кўтарилиши ҳам алоҳида таҳсинга сазовор. Парламентлар демократия ойнасидир. Инсоният ўз кечмиши давомида бундан яхшироқ ёки мукаммалроқ механизм ярата олмади. Халқаро миқёсда ҳам парламентлар роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб, уларнинг жамиятдаги таъсир кучи ошиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари такомиллашиб, тараққий этиб, юксалиб бориши лозим. Бунда, асосан, талаб ва истаклар инобатга олинмоғи керак. Инсоннинг дунёқараши, ўй-фикри, орзу-умидлари ҳеч ким томонидан бошқарилмаслиги, маълум бир синфлар манфаатига бўйсундирилмаслиги керак. Мана, озод инсон нимани истайди?! Бу борада парламентлар олдидаги масъулият тобора ортиб бораверади.

Сўз эркинлиги масаласи ҳам кун тартибидан тушмайди, балки янада мустаҳкам ўрин эгаллайди. Парламент ролининг ошишида ҳам сўз эркинлиги муҳим аҳамият касб этади.

Президент Мирзиёев томонидан илгари сурилган бирорта масала инсонни бефарқ қолдирмайди. Аксинча, ўйга толдиради, фикрлашга ундайди. Қисқа муддатда Ўзбекистон қўлга киритган ютуқлар замирида ҳам мана шу тамойилларга оғишмай амал қилиш ётибди.

Ғарб демократияси шарафли йўлни босиб ўтган. Мен Президент Мирзиёев нутқини тинглаб, мазмун-моҳиятига чуқурроқ кириб бориб, англадимки, бу — ҳақиқий донишманд Шарқ фалсафаси ва демократиясидир...

**Волганг ШАРЕК,**
**Росток университети ректори.**
Германия

## Инсоният олдида турган энг муҳим масалалар қамраб олингани билан ажралиб туради

*Бугун дунё ўзгаришларга, янгиланишларга эҳтиёж сезмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи инсоният олдида турган энг муҳим муаммолар қамраб олингани билан ажралиб туради.*



**"Мақсадимиз — ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир".**

Мен нутқдаги мазкур ўринни бежиз келтирганим йўқ. Бу — нафақат Ўзбекистон халқи, балки бутун дунё олдида улкан масъулиятни ҳис қилган инсоннинг чин юракдан айтган дил сўзларидир.

Инсоният бошига ёғилаётган жуда кўп бало-офатлар аслида мана шу глобал адолатли тизим йўқлигидан эмасми? Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлиги, саломатлиги ҳамда фаровонлиги, хавф остида қолаётгани, таҳдидлар кўпайиб, биз эришган тараққиёт даражаси, унинг олдида ожиз қолаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас-ку! Хатолар гирдобида қолган инсоният қачон улардан хулоса чиқаради?!

Мана бу маълумотга эътиборингизни қаратмоқчиман: охирги тўрт йилда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми салкам беш баробар ошган. Бу моҳир дипломатик натижа, жуда кўп давлатлар учун ўрнакдир. Бунинг натижасида Марказий Осиё давлатлари Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "ушбу синовли кунларда бир-бирини ёлғиз қолдирмасдан, ўзаро елкадош бўлдилар".

Ўзбекистон Президентининг нутқи яна шуниси билан ажралиб турадики, унда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш истиқболлари тўғрисида сайёрамиз аҳолисига тўғридан-тўғри мурожаат қилинди.

Марказий Осиёнинг етакчи давлати бўлган Ўзбекистон дунё харитасида алоҳида ўрин тутади. Асрлар давомида бу ерда ўнлаб тилларда сўзлашадиган ва турли хил динларга эътиқод қилувчи халқлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос тизими шаклланган. Шу боис Ўзбекистон томонининг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон билан барқарор ҳамкорликни сақлаш ҳамда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти нафақат сиёсий, балки алоҳида иқтисодий аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг доимий тинчликка интилиши, экстремизм ва терроргa нисбатан муросасизлиги ёшлар учун минглаб иш ўринлари яратишнинг муҳим кафолатидир.

Ўзбекистонда туғилганим учун мен бу заминда юз бераётган ҳар бир ўзгаришни диққат билан кузатиб бораман. Қайсидир маънода дахлдорлик туйғуси ҳам бор. Ўзбекистон тараққиётнинг тўғри ва кўпчиликка ибрат бўладиган йўлидан кетмоқда.

**Эдуард ЯКУБОВ,**
**Холон технология институти президенти.**
Исроил

## Хавфсиз ва изчил ривожланишни биргаликда таъминлаш муҳим

*Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми, деб таъкидлади. 2018 йил март ойида Афғонистон бўйича бўлиб ўтган юқори даражадаги Тошкент конференцияси халқаро афғон муаммосини ҳал қилишда янги босқични бошлаб берди.*



Шунингдек, сентябрь ойида Доҳа шаҳрида Афғонистоннинг турли сиёсий кучлари ўртасида бошланган тинчлик музокараларидан умиди катта эканлигини билдирди. Бу музокаралар нотинч минтақада тинчлик ва барқарорликнинг бошланиши бўлиб хизмат қилишига ишонишини изҳор этди.

Яқин ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик орқали афғон халқининг узоқ кутилган орзу-умидларини рўёбга чиқариш имконияти пайдо бўлишини, Афғонистонда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш учун мазкур минтақа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий диққат марказида бўлиши лозимлигини жуда тўғри таъкидлади.

Шунингдек, Президент Мирзиёевнинг "Беқарор ва вайронкор вазиятдан — тинчлик ва бунёдкорлик сари" тамойилини тўла қўллаб-қувватлайман. Узоқ вақтдан буён азоб чекаётган афғон халқининг муаммоларини БМТда ҳал қиладиган ҳамда минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига кўмаклашадиган доимий қўмита ташкил этиш ҳақидаги таклиф алоҳида эътирофга лойиқ. Бу таклифнинг олий даражадаги халқаро йиғилишда илгари сурилиши, қўшни давлат ва унинг халқига нисбатан чуқур ҳурмат ҳамда чин қўшничилик намунасидир.

Ҳар бир давлат тараққиёти учун тинчлик ва барқарорлик ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ҳақида сўз кетганда, кўз олдимизда равнақ топаётган, тинч мамлакат намоён бўлади. Айниқса, ўзбек халқининг энг катта бойлиги аҳиллик ҳамда ҳамжиҳатлик, янги Ўзбекистондаги ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик, бағрикенглик муҳитидир. Ва бу, юқоридаги фикрларнинг яққол исботидир.

Нутқда, шунингдек, дунёнинг турли бурчакларида давом этаётган нотинчлик ва зўравонликларга, турли хил глобал муаммоларни кучайтираётган экологик офатларга ҳам сессия иштирокчиларининг эътибори қаратилди. Президент Мирзиёев умумий таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш, дунёнинг хавфсиз ҳамда барқарор ривожланишини биргаликда таъминлаш зарурлигини жаҳон ҳамжамиятига яна бир марта эслатиб ўтди.

**Гаргеш РАВИНДЕР,**
**Деҳли университети профессори,**
**Самарқанд давлат университети Инглиз тили кафедраси мудири.**
Ҳиндистон

## Қашшоқлик бугун хавотирланадиган даражага етиб келди

*"Тобора ташвишли оҳанг касб этаётган қашшоқликнинг овози бутун дунё ҳамжамиятини, барчамизни безовта қилиши зарур".*

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу сўзларини дунёнинг ҳамма тилларига таржима қилиб, тарқатиш тарафдориман.*

*Камбағаллик нима? Энг аввало, норозилик, умидсизлик...*



Ўзбекистонда бугун камбағалликка қарши кураш бошлангани жуда катта ибрат, сабоқ. Бу ғоят мураккаб масалани ечиш, одамларни камбағалликдан чиқариш концепциясини яратиш, вазирлик ташкил қилиш жаҳоншумул воқеа эмасми?

Нутқда кўтарилган барча долзарб муаммолар бўйича, аввало, Ўзбекистоннинг ўзида халқаро ҳамжамиятга ўрнак бўладиган, етарли тажриба тўплангани алоҳида қайд этишни истайман.

Жаҳон ҳамжамияти тан оладимийўқми, қашшоқлик бугун хавотирланадиган даражага етиб келди. Энг ачинарлиси у ҳам эпидемияга ўхшаб давлатлар чегарасини бузиб ўтиб, энг ривожланган, энг тараққий этган, энг бой давлатларнинг ҳам тинчлигига, осойишталигига раҳна сола бошлади. Таъбир жоиз бўлса, қашшоқликнинг овози ҳатто ёпиқ дераза ва эшиклардан ҳам ўтиб, бизни таъқиб этиш даражасига келди...

Бугун бу ҳақида ўйламасак, эртага кеч бўлади. Жаҳон ҳамжамияти ҳал этилиши қийин бўлган глобал муаммо билан юзма-юз қолади. Мен Ўзбекистон Президенти томонидан кўтарилган ҳар бир масалани синчиклаб ўрганиш, таҳлил қилиш зарур, деб ҳисоблайман. Камбағалликнинг сабаб ва оқибатларини илмий жиҳатдан ҳам ўрганиш, таҳлил қилиш жуда катта заруратдир. Буларсиз қашшоқликни йўқотиб бўлмайди.

Ёнимизда яшаётган қашшоқ одамлар олдида ўзимизни гуноҳкор, бурчли санашимиз, ҳисоблашимиз керак. Ўшандагина қалбимизда уларга нисбатан меҳр, эътибор пайдо бўлади. Бу, уларда эртанги кунга ишонч уйғотади, кўнгилларида умид чироғи милтирай бошлайди.

Назаримда, мамлакатлар ва дунё миқёсидаги камбағалларнинг ҳаёт тарзи, муаммолари ҳақидаги маълумотлар ошкор этилиши, уни бартараф қилиш чоралари зудлик билан кўрилиши керак.

Шу маънода айтганда, Президент Мирзиёев нутқида таъкидлаганидек, **қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ва ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказиш зарур...**

**Памелла СИНГЛА,**
**Деҳли университети Ижтимоий иш кафедраси мудири, профессор.**
Ҳиндистон

## Орол муаммосига дунё ҳамжамиятининг эътибори қаратилди

*Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё мамлакатларининг барқарор ривожланиши учун катта хавф солаётган глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуриши оқибатида вужудга келган экологик муаммоларга жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор қаратди.*



Бу муаммоларни бартараф этишда Ўзбекистон ҳукуматининг аниқ стратегия асосида амалга оширган ишлари юзасидан ахборот берди.

Орол денгизининг қуриган тубида икки миллион гектар ерда яшил ўсимликлар қоплами ҳосил қилинган. Шунингдек, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этилганлиги ҳам таъкидланди. Ушбу жамғарма Оролбўйи ҳудудида яшовчи аҳолига амалий ёрдам кўрсатишда халқаро ҳамжамият учун таянч платформа бўлиб хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон раҳбари **Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди**, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни ҳамда ушбу муҳим ҳужжат қабул қилинган санани **Халқаро экотизимларни муҳофаза қилиш ва тиклаш куни** деб эълон қилишни таклиф этди.

Табиий ресурслар, хусусан, яйловлар экологияси бўйича мутахассис сифатида айтмоқчиманки, БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурилган юқоридаги таклиф ҳамда ташаббуслар минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, уни соғломлаштириш ва барқарорлигини таъминлашда беқиёс хизмат қилади. Ўзбекистон Президенти томонидан экотизимларни муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги замирида катта ҳаётий маъно ётади.

Чунки минтақада ушбу муаммо янада кескин тус олиб, оғир оқибатларни юзага келтириши эҳтимоли мавжуд. Маълумотларга кўра, Марказий Осиё минтақасида иқлим ўзгариши, хусусан, ҳаво ҳароратининг кўтарилиш суръатлари глобал миқёсдаги ўртача кўрсаткичлардан юқори эканлиги таъкидланган.

Айниқса, бу кўрсаткич чўл ҳудудларида меъёрдан 2,9-3,1 даражадан юқори эканлиги аниқланган. Ҳудудда бундай экологик танг вазиятнинг вужудга келишида Оролбўйи минтақаси табиий ресурсларидан узоқ йиллар давомида аёвсиз фойдаланилганлиги, у ердаги табиий экотизимларнинг издан чиқиши ва охир оқибатда йирик бир денгизнинг инсоният кўз ўнгидан йўқолиши билан бевосита боғлиқ. Глобал иқлим ўзгариши шароитида бу муаммолар янада кескин тус олаётганлиги давлат раҳбарининг қайғуришига етарлича асос бўла олади, деб ҳисоблайман.

Оролбўйи минтақасининг катта қисми экологик жиҳатдан мўрт ва заиф бўлган қурғоқчил чўл ҳудудлари ҳисобига тўғри келишини ёддан чиқармаслик лозим. Бундай ҳудудлардан фойдаланиш жараёнида экотизим қонуниятларига амал қилинмас экан, бу ҳудудларнинг табиий мувозанати ҳамда барқарорлигини таъминлаш қийин. Шу нуқтаи назардан, минтақадаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ҳамда тупроқ ресурсларидан фойдаланишда фақатгина экотизим қонуниятларига амал қилиш эҳтимолий фожиалардан қутқаради. Бундай ёндашув Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилаётган ғоя ва ташаббусларга ҳамоҳангдир.

**Берри ПЕРИМАН,**
**Невада (Рено) университети профессори.**
АҚШ

# ХОРАЗМ ЛАЗГИСИ — МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

◄1

**Гавҳар МАТЁҚУБОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:**

— "Лазги" — уч минг йиллик тарихга эга. Бу санъат таржимон талаб қилмайди, инсон танламайди. "Лазги" қадимий куй бўлиб, даставвал сурнай йўлларида ижро этилган. Унинг асосида шаклланган рақс эса хурсандчилик, ғалаба тимсоли саналган. Шу боис эркаклар рақсида жанговарлик ва қаҳрамонлик руҳи, аёллар рақсида эса лирик, ҳазиломуз кайфият устунлик қилади. Энг муҳими, ушбу рақс инсон тафаккурининг ноёб маҳсули сифатида унинг ёруғ орзу-умидлари, қувончларини ўзида ифода этади.

Бугунги кунда ЮНЕСКОга 190 дан зиёд давлатлар аъзо бўлса, фақат олтита мамлакатнинг миллий рақси ташкилот рўйхатига киритилган. Биринчиси — Ҳиндистоннинг "Катха" рақси, иккинчиси — Испаниянинг "Фламенко" рақси, учинчиси — Кубанинг "Румба" рақси, тўртинчиси — Руминия халқ рақси, бешинчиси — Малайзиянинг халқ рақси ва ниҳоят, олтинчиси, Хоразм рақси — "Лазги".

Президентимиз қарори қадим санъатимиз ривожида, маданиятимиз тарғиботида юксак аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Қарор билан халқаро фестивални ЮНЕСКО шафелиги остида ўтказиш чораларини кўриш масаласи алоҳида белгилаб қўйилди. Мазкур халқаро тадбирда хорижий мамлакатлардан рақс санъати усталари, мусиқашунос ва санъатшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ҳамда фахрий меҳмонлар иштирок этиши назарда тутилган.

Фестиваль доирасида Хива шаҳридаги "Ичан-қалъа" мажмуаси ҳудудида рақс санъатига оид кўргазмалар, миллий созлар ва либослар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ҳамда амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ҳамда видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг савдоси ташкил этилади. Бу, ўз навбатида, маданиятимизни халқаро миқёсда тарғиб қилиш, дунё олимларининг миллий мусиқа ҳамда рақс санъатимизнинг қадимий илдизлари ва ривожланиш тенденцияларини ўрганишига катта имкониятдир.

**«Халқ сўзи».**

# Маҳсулот сифатли бўлмаса, у рақобатбардош бўла олмайди

*Тадбиркорлик нафақат одамларни ишли қилиш, ҳаёт тарзини яхшилаш ёки иқтисодиёт барқарорлиги учун хизмат қилади, балки мамлакатнинг халқаро бозорларга кенг кириб боришини таъминловчи муҳим воситадир.*

### Фикр

Бунинг учун эса, аввало, ишбилармонларимиз шунга мос фаолият юритиши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат шунга мос бўлиши керак. Мамлакатимизда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорларга, хорижий инвесторларга барча зарур шарт-шароит яратиб берилялти. Мавжуд тўсиқ ёки камчиликлар бўлса уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология тизимидаги ишларга бағишланган йиғилишда ҳам ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Шундан келиб чиқиб, биз айрим мутасаддилар фикрлари билан қизиқдик.

**Дилшод САТТОРОВ, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директори:**

— Йиғилишда Президентимиз "Ўзстандарт" агентлигининг халқаро стандартлаш ва метрология ташкилотларидаги иштирокини фаоллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Хусусан, халқаро аккредитацияга чиқиш вазифалари белгилаб берилди.

Шундай устувор вазифалардан бири, бу, сифат инфратузилмаси муҳитини яратиш билан рақобатбардошликка эришиш, юқори кўрсаткичлар билан экспортни амалга оширишни таъминлаш ҳисобланади.

Шунингдек, бугунги кунда малакали мутахассислар тайёрлаш, кадрлар етиштиришда алоҳида тизимни йўлга қўйиш, лабораторияларни ташкил этиш, юқори метрология ўлчовларини саноат корхоналарида жорий этиш, синов лабораторияларида илмий-инновацион тадқиқот ишларини олиб бориш ҳам долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Амалдаги қонунчиликни халқаро меъёрларга уйғунлаштириш, бунда, албатта, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг қатнашишини таъминлаш қайд этилди.

**Азиз ВОЙИТОВ, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари:**

— Йиғилишда стандартлаштириш бўйича тадбиркорларимизнинг харажатларини қоплаб бериш борасида ахборот берилди. Бу йилнинг ўзида 2300 дан ортиқ тадбиркорларимизга стандартлаштиришга 15 миллиарддан зиёд, сертификатлаштиришга эса 18 миллиарддан зиёд харажатлар қоплаб берилгани айтиб ўтилди.

Лекин шу билан биргаликда, давлатимиз раҳбари томонидан яна қўшимча чора-тадбирлар белгилаб берилдики, бунда тадбиркорларга янада қулайлик яратиш, стандартларни жорий қилишда лабораторияларни ташкил этиш орқали соҳа вакилларига экспорт бозорини топишга кўмак бериш, рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан ҳукумат комиссияси ташкил қилинган ва у жойларда тадбиркорлар муаммоларини ўрганиб, улар ўз вақтида кўриб чиқилди. Тадбиркорлар фикрлари асосида ҳужжатларга ўзгартишлар киритиб борилади.

**«Халқ сўзи».**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6